



TIQXMMI
Институт Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини
Муҳофизат қилиш бўлими

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ



22 апрель – “ХАЛҚАРО ЕР КУНИ”
муносабати билан “Ер ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилишда
инновацион ёндошувлар: муаммо ва креатив ечимлар” мавзусида республика
илмий-амалий анжумани

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент - 2019 йил 22-23 апрель

	М.Эргашев - ўқт., Наманган муҳандистлик-қурилиш институти	хариталарини тузишда географик ахборот тизимларидан фойдаланиш	
4	А.Дадаходжаев - қ.х.ф.н. доц., М.Мамажонов - кат. ўқт., М.Эргашев - ўқт., Наманган муҳандистлик-қурилиш институти	Шўрланган тупроқларда тупроқ унумдорлигини ошириш, мелеоратив ҳолатини яхшилашда экинларни кетма-кет жойлаштириш	494
5	А.Жуманов - ассистент, ТИҚХММИ	Тоғ олди минтақаларда суғоришни амалга ошириш (Қашқадарё вилояти мисолида)	497
6	Исмонов А.Ж., Абдурахмонов Н.Ю., Қаландаров Н.Н., -Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти	Янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларининг хосса-хусусиятлари	502
7	Б.Қ.Атоев., Т.Т.Усмонов - Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти	Сизот сувлари ва ўғит таъсирида тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	506
8	Б.С. Серикбаев - т.ф.д., проф., ТИҚХММИ, Ш.А.Эгамбердиева - доц. PhD. - ТошДАУнинг Андижон филиали, А.Н.Убайдилаев ассистент, Д.А.Убайдилаева - талаба, ТИҚХММИ	Биргаликда ғўза ва дуккакли экинларни етиштиришда инновацион суғориш тартиби	512
9	Халилова Б. - ассистент, ТИҚХММИ	Тошкент вилоятида деградацияга учраган яйлов ерларининг ҳозирги ҳолати ва уларни қайта тиклаш имкониятлари	515
10	Акабирходжаева Д.Р. – доцент, Университета мировой экономики и дипломатии, Турсунхужаева Д.Д. - студентка ТИИИМСХ	Применение информационных технологий в разработке оптимальной стратегии посадки различных культур	518
11	Тўраев Т. Муродова Д. – ўқитувчилар, Жомардова М.Х. – талаба, ТИҚХММИ	Хоразм воҳаси суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари	521
12	Д.И.Рахмонов- докторант, ТИИИМСХ	Капельное орошение и методы борьбы с засорением капельных линий	523
13	Д.И.Рахмонов- докторант, Н.Шайманов- докторант, ТИИИМСХ	Методика полевых опытов и результаты исследований по технике и технологии орошения озимой пшеницы на склоновых землях в ташкентской области	527
14	Д.Сапаев, Д.Убайдилаева талабалар, ТИҚХММИ	Томчилатиб суғоришнинг ўсимлик ривожланишига таъсири	531
15	Рашидов Ж.Х. - доцент, Носирова С.С. - кабинет мудири, ТИҚХММИ	Қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологияларни жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги	534
16	Рашидов Жамшид Хамидович, ТИҚХММИ доцент	Сув хўжалигида лойиҳа бошқаруви тизимини ривожлантириш муаммолари	537
17	М.Рўзиев - Қува агросаноат касб-хунар коллежи директори, С.Исмонов - “Сув хўжалиги ва мелиорацияси” кафедраси мудири, ТИҚХММИ	Бир томчи сувда кўрдим бутун олам жилосини	540

Фойдаланилган адабиётлар

1. А. Дадахўжаев – Ўз. Экспо Марказ 1- Республика инновацион лойиҳалар ярмаркаси “Фаргона водийси фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш схемаси бўйича жойлаштиришни ишлаб чиқиш” Тошкент – 2008 йил.
2. М. Мирзабоев, Т.Каримбоев, А.Амиров “Тупроқ унумдорлигини ошириш бош масала” Наманган - 2012 йил.

ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАЛАРДА СУҒОРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ (Қашқадарё вилояти мисолида)

А.Жуманов ассистент, ТИҚХММИ

Аннотация

Мақолада ҳозирги кунда тоғолди минтақалардаги тупроқларнинг механик таркибини эрозия жараёнлари таъсиридаги ўзгариши, иқлим ўзгариши, Республикамизда мавжуд чекланган сув ресурсларини оқилона бошқариш, дала шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежамкор сугориш технологиялари ва уларни ташкил этиш имкониятлари, каналларда сув йўқотилишига қарши кураш, бундан ташқари тоғолди минтақаларда мевали боғларни сугоришни ва эрозияланган тупроқлар унумдорлигини тиклаш учун амалга ошириш.

Кириш. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришларининг аксарият қисми музликларнинг эриши, асосий дарёлар сувининг камайиши ҳамда ёгингарчилик миқдори пасайиши туфайли содир бўлмоқда. Демак, биринчи навбатда, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қатъий тежаш бўйича чоралар кўриш зарур. Аслида, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақада сув ресурслари танқислиги сезиларли даражада кузатилмоқда. Аҳоли ўсиши ва бунинг натижасида, озиқ-овқатга бўлган талабнинг ошиши туфайли бу ҳол кучайиб бормоқда. Марказий Осиё халқларининг кўп асрлик ерга ишлов бериш маданияти, биринчи навбатда, сунъий сугоришга асосланган эди. Бу қуруқ ва иссиқ иқлим ҳамда кам миқдордаги ёгингарчилик туфайли вужудга келмоқда. Натижада, тоғлардаги йигилган муз захиралари йиллар давомида камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам сув тақчиллиги шароитида ҳосил етиштиришда самарали, тежамкор янги технологияларини амалиётга татбиқ этиш зарур.

Республикамизда кейинги йилларда боғдорчиликнинг ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошокпи дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари туфисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тугрисида”ги қарори қабул қилингандан сўнг боғдорчиликнинг ривожланиши янада юқори босқичларга кўтарилди, ҳар бир ҳудудда мевали боғлар, тоқзорлар учун ер майдонлари ва улар учун керакли булган уруғлик ва кучатлар, минерал ўғит ва ёнилги-мойлаш материаллари ажратила бошланди [3,4].

Мевали боғлар ва узумзорларнинг кифаси бутунлай ўзгарди. Боғдорчилик билан шугулланадиган фермерларнинг йиллик даромадлари ортиб, халқимизнинг дастур- хони меваларга тулиб бормоқда. Мевалардан ташқари боғларнинг қатор ораларига полиз,

сабзавот экинлари ва доривор ўсимликларнинг экилиши эса фермерларимиз учун қушимча даромад манбаи бўлмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, ҳар бир соҳанинг такомиллашиши ҳамда янада ривожланишида энг асосий омил бўлиб ҳисобланмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида ислохотларни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли Қарори қабул қилинди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган мелоратив тадбирларни амалга ошириш тизимли ва комплекс ёндашувни талаб этади [1].

Ўзбекистоннинг мавжуд сугориладиган экин майдонлари турлича унумдорлик ва механик таркибига, нишабли қияликка эга, шунингдек бу ерларда турли хилдаги тупроқлар мавжуд. Ирригация ва шамол эрозиясига чалинган экин майдонларида қўлланилган минерал ўғитларнинг бир қисми сув билан бирга, ёки шамол таъсирида йўқотилади, янги ўзлаштирилган, текисланган қум тупроқларда эса ўғитларнинг тупроқ қатламларининг пастга ювилиши туфайли ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги кескин камайиб кетади [7].

Республикада узум етиштиришни кўпайтиришда тоғ ва тоғолди ҳудудлар катта аҳамият касб этади. Бундай ҳудудларнинг табиий шароитлари узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Жумладан, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон, Ургут, Нурота, Хатирчи, Ғаллаорол, Фориш, Зомин, Китоб, Яккабоғ, Чирокчи, Шаҳрисабз, Дехқонобод, Денов, Олтинсой, Сариосиё каби туманларда тоқзорларни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд.

Тоғ тоқчилигининг парвариш технологияси биринчи навбатда тупроқдаги намни сақлаб қолиш, экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг ўта қулай усуллари қўллаш, эриган қор ва ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш ҳамда тоғ ёнбағирларида эрозия жараёнларининг олдини олишга қаратилиши керак. Тупроққа ишлов беришнинг қулай муддати куз ва баҳордир.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларда узум туплари денгиз сатҳидан баландлиги 700–1400 м бўлган Жанубий Шарқий ва Ғарбий қияликларда жойлаштирилади. Тоғ қияликлардаги шартли сугориладиган майдонларда тоқ 3x2,5, лалмида 3x3 м масофада экилади. Кўчат экишдан олдин тупроқ 15–18 см чуқурликда юмшатилади. Лалми ерларга кўчат экишнинг энг мақбул муддати куз ойларидир. Баҳорда эса қорлар эригач, апрель ойининг ўрталаридан кечикмасдан экиш лозим. Тупроқ пиллапоя усулида тайёрланиб, кўчат пиллапоя ўртасига экилади. Лалми шароитда тупроққа сув яхши сингиши учун уни 35–40 см чуқурликда хайдаш керак.

Дастлабки тўрт йилда тупроқ 40–50 см чуқурликда юмшатилади, кейинги йилларда эса 25 см гача камайирилади. Бу тадбир тупроқда микроорганизмлар фаолиятини жадаллаштириб, тупроқ унумдорлигини оширади, тупроқда ҳаво алмашилишини яхшилади, намликнинг максимал йиғилишига имкон беради ва ниҳоят қияликлардан сувнинг оқиб кетишига йўл қўймайди.

Сугориш имкони бор майдонларда кўчат экиб бўлингач, кўчатнинг икки томонидан ариқлар олиниб сув берилади. Сугориш имкони бўлмаган майдонларда эса кўчат экиб бўлингач, ҳар бир туп атрофига қўлда 6–8 л миқдорида сув қуйилади. Ўсув даврида тупроқда намликни сақлаш учун кўчатлар атрофи культивация қилиб турилади. [2]

Иқлим ўзгаришига мослашиш. Мева дарахтларининг қанча сув сарфлаши иқлим омиллари, ўсимликларнинг табиати, уларнинг ёши, ҳосилнинг миқдори ва қўлланиладиган

агротехнологик тадбирларга қараб белгиланади. Ўзбекистон текисликларида ёгингарчилик кам бўлиб, йиллик ёгин миқдори 200–350 мм ни ташкил қилади.

Ёгингарчилик кўпинча куз, қиш ва эрта баҳорда бўлади. Май-октябрь ойлари мобайнида ёгингарчилик деярли бўлмайди. Намликнинг бу миқдори ўсимликнинг бутун ўсув даврига етмайди. Шунинг учун, богдорчиликни сугориш билангина олиб бориш мумкин. Фақат 1000 м ва ундан ҳам баланд тоғ этакларида, анча (700 мм ва ундан ҳам ортиқ) ёгин ёгадиган ҳамда ёз салқинроқ келадиган шароитда лалми (сугорилмайдиган) богдорчилик билан шугулланиш мумкин.

Сугориш боғларни намлик билан таъминлабгина қолмай, балки унинг микроклимини ҳам яхшилайти. Сугориш тупроқдаги микробиологик жараёнларнинг кечилишига ва солинган ўғитлардан тупроқ ва тўликроқ фойдаланишга, фотосинтезнинг кучайишига, ўсимликларда озик моддалар тўпланишига ва шу туфайли дарахтнинг тезроқ ўсишига, ҳосилдорликни ортишига ва совуққа чидамлигини оширишига ҳам ёрдам беради. Тупроқ намлигининг ошиб кетиши (кўп миқдорда ва катта нормада сугориш) ҳам боғ учун зарарлидир, чунки бунда тупроқ ботқоқланиб, унинг физикавий хоссалари, айниқса ҳаво режими ёмонлашади, илдиз тизимининг ўсиши ва фаолияти учун ноқулай шароит пайдо бўлади.

Захлатиб сугориш дарахтларнинг ўсишини кечиктириб юборади ва уларнинг совуққа чидамлигини камайтиради. Шира ҳаракати бошланган даврида ўсимликлар, айниқса намга талабчан бўлади. Новдалар ўсган, барглар кўпайган, мевалар ҳосил бўлган ва катталашган сари талаб ошиб боради.

Вегетация даври охирига бориб ўсимликларнинг сувга бўлган талаби камайтирилади. Богда тупроқ намлигини кузатиб бориш ва унинг ўсимликларнинг сўлиб қоладиган даражада қуриб қолишига йўл қўймаслик керак. Тупроқнинг намлиги ва сугориш меваларнинг миқдорига ҳам таъсир илади. Кам нормада, шунингдек кечиктириб сугориш, айниқса, мўл ҳосил берадиган йиллари меваларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Р.Р.Шредер номидаги ЎЗБУВИИЧБ нинг боғларида ўсув давридаги сугоришлар сонига қараб ҳосилнинг қанчаси туқилгани қайд қилинган: 34,4 %, 1-2 марта 48,4; сугорилганда эса 51,4% бўлган. Тупроқ намлиги етарли бўлмаса меваларнинг ўртача вазни камайтириб кетади. Кандиль - синап нав олманинг ўртача вазни икки марта сугорилганда мевалар йирикроқ бўлади (лекин маълум чегарагача). Сугоришлар меванинг рангини ҳам яхшилайти.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани текислик ва тоғ олди қисмларида намликнинг тез бугланишига (йиллига 1700-2100 мм) сабаб бўладиган жануби-шарқий йўналишда эсадиган қуруқ шамоллар муҳим рол ўйнайти. Бу ерларда ёгин-сочин кам бўлиб, аксарият ҳолларда жала кўринишда ёгади. Ёгин-сочиннинг асосий қисми ер юзаси бўйлаб оқиб кетади ёки бугланади, камроқ қисми шимилиб, ер ости сувларига айланади. Шундай қилиб, асосий иқлимни ташкил қилувчи омиллар худуднинг географик жойлашиши, атмосферанинг циркуляцияси ва қуёш радиациясининг ўзаро таъсири билан характерланади.

Ўрганилаётган худудда ёгингарчилик асосан уч ойда кўзатилади. Март ойида ёгингарчилик миқдори 50 мм ни декабр ойида эса 45 мм ва апрел ойида 39 ммни ташкил этади. Намликнинг бу миқдори маданий мевали дарахтларини бутун ўсув даврига етмайди. Шунинг учун, богдорчиликни сугориш йўли билангина олиб бориш мумкин. Ўсимликдаги ҳаётий жараёнлар – фотосинтез, ўсув нуқтасида ҳужайралар бўлиниши ва бошқа жараёнлар ҳужайраларда сув етарли бўлгандагина яхши ўтади. Сувнинг етарли бўлиши икки жараённинг, яъни илдиз тизимининг сув бериб ва барглар юзасининг буглантириб туриш жараёнларининг ўзаро мосланиши билан таъминланади. Мева дарахтларининг қанча сув сарфлаши иқлим омиллари, дарахтларнинг табиати, уларнинг ёши, ҳосилнинг миқдори ва агротехника тизимига қараб белгиланади. Сугориш бутун йил мобайнида боғларни намлик билан таъминлабгина қолмай, балки боғ микроклимига ижобий таъсир этадиган омил ҳамдир.

Тупроқнинг намлиги ва сугориш меваларнинг сифатига ҳам таъсир қилади. Камроқ, шунингдек, кечиктириб сугориш меваларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Тупроқ намлигини ўлчаб, шунга мувофиқ сугориш ишларини ташкил этиш учун тензиометрлардан фойдаланилади. Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби турли усулларда аниқланади. Буни илдиз жойлашган қатламдаги (30-100 см) тупроқ намлигига қараб, тўлиқ ҳосилга кирган дарахтларда 30-150-200 см (турига, илдизларнинг тупроққа кириш чуқурлигига қараб) буни жуда аниқ белгилаш мумкин. Ўсимликларнинг намлик билан таъминланганлигини ташқи белгилари: барглари рангининг ўзгариши, уларнинг сўлиши, новдаларнинг ўсишдан тўхташи ва бошқалардан амалиётда фойдаланилади.

Ўрганилаётган фермер хўжалиги даласида тупроқ намини аниқлаш билан қайси вақтда сугориш ишларни амалга ошириш мумкинлигини билишимиз мумкин.

Ўсимлик ички ҳолатининг кўрсаткичлари бир мунча ишончли, мева ўсимликлари илдиз ва барглари сўриш кучи ҳажмини аниқлаш осон. Ҳар қайси ўсув фазасида сув билан тўлиқ таъминланган маълум пайвандтагда, минимум, ҳар қайси тур, дарахтнинг ёшига қараб сугоришни қачон ўтказиш кераклиги, унинг ҳажми олдиндан белгиланади. Ўсув фазасининг маълум даврда сўриш кучининг ҳажми навбатдаги сугориш муддатларини билдиради.

Сугориш боғларни намлик билан таъминлабгина қолмай, балки унинг микроклимини ҳам яхшилади. Сугориш тупроқдаги микробиологик жараёнларнинг кечишига, фотосинтезнинг кучайишига, ўсимликларда озик моддалар тўпланишига ва шу тўғрисида дарахтнинг тезроқ ўсишига ҳамда ҳосилдорликни ортишига ёрдам беради.

Сугориш нормаларини амалга оширишда ҳар галги ва мавсумда бериладиган сув нормалари мева дарахтларнинг ёшига, тупроқнинг механик таркибига, сизот сувининг сатҳига, ҳосилнинг кўп - камлигига ва бошқа омилларга қараб белгиланади. Ёш боғлар учун амалда қўлланиб келган сугориш нормаси гектарига 500 м³, ҳосилга кирган боғлар учун сугориш нормаси 800-1000 м³/га чегарасида ўзгариб туради. Шагал тошли, сизот сувлари яқин жойлашган ерларда бу норма гектарига 300-500 м³ гача камайтиради.

Боғларни сугоришни янги усуллари. Ўсиши ва ҳосил бериши учун мевали дарахтлар ерга тушадиган намликнинг 0,2-0,5 % нигина ўзлаштиради. Қолган сув транспирация, филтрация ва оқиб кетишга сарф бўлади. Боғларни сугоришдаги мавжуд усулларнинг қатор камчиликлари бор. Улардан асосийлари – сувнинг бекорга кўп сарфланиши ва исрофгарчилиги. Шунинг учун сўнги йилларда сугоришнинг самарали усуллари ҳар тарафлама изланмоқда, бу усулда ўсимлик сув билан тўлиқ таъминланади, намликнинг ердан ва ўсимликдан буғланиши энг минимумга туширилади.

Тог ва тоғли ҳудудлар асосий сув манбай ҳисобланади. Куз, қиш, баҳор ва қисман ёз фаслларидаги ёгингарчилик ҳисобига тоғларда катта сув манбалари ҳосил бўлади. Тоғли ҳудудларда қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқларини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Шунинг учун, ҳам йиллик ёгин миқдори 600-700 мм га етадиган ва ундан ошадиган тоғ қияликларида лалмикор боғдорчилик билан шугулланса мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпчилик тоғ қияликларидаги ерлар унумдор бўлиб, тупроғида 1-2%, ҳатто 3-4% чиринди (гумус) бўлган ерлар ҳам бор. Тоғли ерларда текисликка нисбатан мевазор боғлар барпо қилиш анча қийин. Ер текис бўлмаганлиги учун тоғ қияликларида ҳаводан тушадиган намни тупроқ қатламларида сақлаб қолиш учун махсус зинапоя (терраса) лар ҳамда сув йиғич ховузлар ташкил қилса бўлади. Сув йиғич ховузни вазифаси ёмғир, қор сувларини йиғиб қолиб сугоришда ишлатиш.



1-расм. Сув йиғгич ҳовузни сув билан таъминланиши

Маълумки, тоғ қияликларида мева дарахтлари, тол ва бошқа кўп йиллик манзарали дарахтлар, буталар экилмаган майдонларда кўпинча апрел-май, айрим пайтларда июн ойларида кўпинча сел ёғиб ернинг устки унумдор қатламини ювиб кетиши ва у катта дарёларга, сув омборларига ҳамда ариқларга оқиб тушиш натижасида лойқа тўпланиши кўзатилади.

Шу сабабли тоғ ва тоғ олди минтақаларида сув йиғадиган ҳовузлар ташкил қилинса мевали боғ ва узумзорларни сугоришда айниқса ҳосил вақтида сугоришда юқори самара эришиш мумкин.

Сув йиғгич ҳовуз ёрдамида тоғ қияликларида мевали боғ барпо қилинганда шу жойнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, чунки бунда дарахтларнинг илдизлари ернинг 40-50 см ва ундан чуқурроқ қатламига таралиши туфайли тоғ қияликларидаги унумдор тупроқ қатламини ювиб кетишини олдини олади.

Хулоса

Юқоридаги маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкин. Сугориш сувлари тақчиллиги, иқлимнинг глобал исизи шароитида тоғолди минтақаларидаги мевали дарахтларни сугориш учун сувдан унумли ҳамда бир текис намланиши таъминлаш, сугоришнинг ФИКни ошириш, тупроқнинг унумдор қатлами ва унинг таркибидаги озика-моддаларнинг ювилишини олдини олиши ҳамда ёгин сувларини йиғиб олиш ва ёз ойларида сугоришга ишлатишда валоканава технологиясини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу усул текисланмаган сув бир меъёردа келиб турмайдиган паст-баланд жойларда қўлланилади. Тоголди минтақаларида мевали дарахтларни парвариш технологияси биринчи навбатда тупроқдаги намни саклаб қолиш, экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг ўта қулай усулларини қўллаш, эриган қор ва ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш ҳамда тоғ ёнбағирларида эрозия жараёнларининг олдини олишга қаратилади.

Республикамиздаги сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида йирик ирригация тармоқларидан кичик сув омборлари сифатида фойдаланиш, дарёлар, йирик каналларнинг қирғоқ минтақаларида филтрация сувларини ер ости сув омборларида йиғиш ва кейинчалик улардан фойдаланишни ташкил қилиш имконларини ўрганишимиз айниқса ёз кунларида сувни танқислиги сезиларли даражада аниқланганлиги учун унинг ҳар томчисидан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1958-сонли Президент Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурини сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 39-сонли қарори.

3. Президентнинг 2018 йил 7 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошокпи дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги ПК-3754-сонли қарори. - Тошкент, 2018.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Сабза- вот-полизчилик, богдорчилик ва узумчилик йунапишидаги фермер хўжалиқларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тугрисида”ги 258-сонли қарори. - Тошкент, 2018.

5. М.М.Мирзаев-Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана-//Т., 1980г, 236.с

6. А.А.Рибаков, С.А.Остроухова-Ўзбекистон мевачилиги-//Т., 1981й, 506 б.

7. М. Х. Хамидов, Х. И. Шукурлаев, А. Б. Маматалиев, “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси” Тошкент 2008.

8. [www. Google.com](http://www.Google.com)

9. [www. Centrasia.ru](http://www.Centrasia.ru)

10. www.Qashqadaryou.uz.

ЯНГИДАН СУГОРИЛАДИГАН ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ХОССА-ХУСУСИЯТЛАРИ

*Исмонов А.Ж., Абдурахмонов Н.Ю., Қаландаров Н.Н.
Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти, Тошкент*

Аннотация

Маколада, Поп туманидаги “Хасанбой Ф” ва “Иброҳим ота” фермер хўжалиқлари ер майдонларида тарқалган янгидан сугориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг ҳозирги ҳолати, инновацион тадқиқотлар ўтказиш асосида олинган илмий маълумотлар келтирилган.

Республикаимиз ҳудудларида қишлоқ хўжалиги экинларини тупроқ-иқлим шароитига кўра жойлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва муҳофазалашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, бугунги кун шароитида долзарб вазифалардан бўлиб, экин ерларидан жадал фойдаланишлар шароитида, унинг сифат кўрсаткичларида, унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатида бир қатор муаммоли масалалар юзага келган. Шу мақсадда Республикаимизнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинлари жадал суратда етиштириладиган минтақалари сугориладиган тупроқларда, илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш орқали юқоридаги масалаларни ечиш муҳим масалалардан биридир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ўтказилаётган ислохотлар натижасида, сугориладиган тупроқларнинг унумдорлиги аста-секин ошиб бормоқда ва